

ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИНИНГ ҚАТТИҚ ҚОРАКУЯГА ВА САРИҚ ЗАНГГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Калит сўзлар:буғдой, занг, қаттиқ қоракуя, ғалла, касаллик, замбуруғ, фунгицид, дорилар, дон, кураш чоралари

Аннотация: Болезни растений наносят большой ущерб сельскому хозяйству. Например, из-за ржавчины и твердой карциномы зерновых культур в большинстве случаев погибает 30-40% культур.

Abstrakt: Plant diseases also cause great damage to agriculture today. For example, due to rust and hard carcinoma of cereals, in most cases 30-40% of crops die.

Андижондаги Дон ва дуккакки экинлар илмий-тадқиқот институтида буғдойнинг қаттиқ қоракуя ва сариқ зангга чидамлилигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бордик. Тадқиқотнинг биринчи тажрибасида ЎзРФА Ўсимликлар генетикиси экспериментал биология институтидан

олиб келинган 80 та ловушка навлари далага экилди.

Иккинчи тажрибада 24 та Краснодардан Андижонга келтирилиб экилган навлар ва Марокко далага экилди. Учинчи тажрибада 3та нав, 3та қайтариқ, сариқ занг зарарини аниқлаш учун далага экилди.

Рўйхатдаги 25та навнинг ҳар бирининг 50та уруғлик дони қаттиқ қора куянинг телиоспоралари билан зарарланди. Споралар сарфи 1кг уруғлик донга 1-2г спора солинди. Донларни қоракуя споралари билан сунъий зарарлаш "Услубий кўрсатмалар" га биноан ўтказилди. (Ҳасанов, Гулмуродов, 2013й).

Буғдойнинг сариқ зангга чидамлилигини аниқлашда сунъий зарарлаш усуллари буғдойнинг тупланиш фазасида, кечки салқинда бажарилди. Бу тажрибада профессор Б.А.Ҳасанов ҳам иштирок этди. Бунда қуйидаги ишлар амалга оширилди. Тальк билан сариқ занг замбуруғининг споралари яхшилаб аралаштирилди.

1-тажриба. Буғдойда сариқ занг қўзғатувчи замбуруғнинг табиий вирулентлик генлари таркибини аниқлаш учун экилган 80 та ловушка навларни жойлаштирилиши. Қўлда экиш санаси: 10 октябрь 2018 й.

	1 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	3 қатор	1 қатор
-- 1 м --	Марокко	80	79	78	77	76	75	74	73	72	71	Марокко
0,5 м	Марокко	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	Марокко
	Марокко	60	59	58	57	56	55	54	53	52	51	Марокко
	Марокко	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	Марокко
	Марокко	40	39	38	37	36	35	34	33	32	31	Марокко
	Марокко	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Марокко
	Марокко	20	19	18	17	16	15	14	13	12	11	Марокко
	Марокко	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	Марокко

2-тажрибада қуйидаги навлар экилди.

1.	Аср	
2.	Краснодар-99	
3.	Андижон-4	Дориланган
4.	Чиллаки	Дориланган
5.	Дурдона	
6.	Давр	
7.	Гром	
8.	Таня	Дориланган
9.	Васса	
10.	Лебедь	
11.	Юка	
12.	Ёғду	Дориланган
13.	Ўзбекистон-25	Дориланган
14.	Азиз	Дориланган
15.	Навбаҳор	Дориланган
16.	Қадр	
17.	Нодир	
18.	Безостая-100	Дориланган
19.	Веха	
20.	Велена	
21.	Стан	
22.	Баграт	
23.	Адель	
24.	Шароф-100	
25.	Давр	

Сўнгра буғдойга махсус сув пуркаш аппарати орқали сув сепилди. Унинг орқасидан алоҳида идишга сув ва силвет қўшиб тайёрланган суспензия билан ишлов берилди.

Тайёрланган аралашмани куруқ докага солиб, буғдойнинг Марокко ва Андижон навларини баргига занг споралари текизиб чиқилди. Усти плёнка билан яхшилаб беркитилиб қўйилди ва эрталабки соат 10 да плёнка олиб ташланди. Буғдойда сариқ занг споралари хавонинг юқори нисбий намлиги

1 дан 25°C гача бўлган ҳароратда ўсади. У ўсимлик тўқимаси ичига кириб боради ва урединиомицелий ривожланади. Янги урединия пайдо бўлгунгача инкубация даври 10-15°C ҳароратда 10-11 кун давом этади. Касаллик белгилари Марокко навларида кўрина бошлади. Ҳар бир метр оралиғида 10 та ўсимликнинг бештасида занг замбуруғлари ривожлана бошланди. "Таня", "Веха", "Безостая-100" навларида ҳам тарқала бошлади.

Қаттиқ қоракуя касаллигининг фенологик фазалари буғдойнинг тўла бошоқлаш даврида ҳар бир навнинг 5 тадан асосий поясининг бўйи (см) қоракуя билан зарарланган ва зарарланмаган вариантларида алоҳида кузатувлар олиб борилади. Бу кузатувлар тўла пишиш даврида ўтказилади.

**Б.Ҳасанов, ТошДАУ,
Д.Турдиева, К. Алимжонова,
ТошДАУ Андижон филиали**

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳасанов, Гулмуродов, Услубий кўрсатмалар. Тошкент- 2013й.
2. Э.Холмуродов, М.А.Зупаров, Р.К.Сатторова, Н.Т.Хакимова, Х.Х.Нуралиев, Х.Ш.Бекбергенов, С.Э.Авазов, "Қишлоқ хўжалик фитопатологияси". Тошкент-2014й.
3. Agrios G.N.Plant pathology. 5th ed. Elsevier, 2008